

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ**

**ЭКОЛОГИК ХАВФЛИ МАҲСУЛОТЛАР ВА ЧИҚИНДИЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ОЛИБ КИРИШ ВА РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДАН  
ОЛИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Хавфли чиқиндиларни чегараларо ташиш ва йўқ қилиб ташлаш устидан назорат қилиш түғрисидаги Базель [Конвенциясига](#) (1989 йил 22 март, Базель) (кейинги ўринларда Базель конвенцияси деб аталади) мувофиқ экологик сертификатланиши лозим бўлган экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқишни давлат томонидан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳқамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқиша экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни мажбурий экологик сертификатлаштириш тартиби түғрисидаги низом [1-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.
3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг [2-иловага](#) мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.
4. Мазкур қарор 2021 йил 1 майдан бошлаб қучга киради.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А.И. Максудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 16 февраль,  
75-сон

Вазирлар Маҳқамасининг 2021 йил 16 февралдаги 75-сон қарорига  
**1-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб  
чиқиша экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни мажбурий экологик  
сертификатлаштириш тартиби түғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ҳосил бўладиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва республика ҳудудидан олиб чиқиладиган экологик хавфли маҳсулотлар ҳамда чиқиндиларни мажбурий экологик сертификатлаш тартибини белгилайди.
2. Ушбу Низом қоидалари алоҳида белгиланган тартибда республика ҳудудидан транзит ўтадиган маҳсус юкларга нисбатан татбиқ этилмайди.
3. Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат экология қўмитаси деб аталади) тизимидағи белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган экологик сертификатлаш органи (кейинги ўринларда экологик сертификатлаш органи деб аталади) томонидан бериладиган экологик сертификат асосида амалга оширилади.

4. Экологик сертификат Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва республика ҳудудидан олиб чиқиладиган экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилар, республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар техник жиҳатдан тартибга солувчи норматив ҳужжатларда белгиланган экологик хавфсизлик талабларига жавоб беришини тасдиклайдиган Миллий сертификатлаштириш тизими қоидаларига мувофиқ бериладиган ҳужжат ҳисобланади.

5. «Хавфли чиқиндиларни чегаралараро ташиш ва йўқ қилиб ташлаш устидан назорат қилиш тўғрисида»ги 1989 йил 22 марта Базель [Конвенцияси](#) (кейинги ўринларда Базель конвенцияси деб аталади) иштирокчиси бўлмаган давлатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхати тасдиқланган экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилар турларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришлари ва республика ҳудудидан олиб чиқишилари қатъяян тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси билан Базель конвенцияси иштирокчиси бўлмаган давлат ўртасида чиқиндиларни транзит тарзида олиб ўтишга доир ҳалқаро шартнома мавжуд бўлган ҳолларда, бундай олиб ўтиш ушбу ҳалқаро шартнома қоидалари, шунингдек, устувор равишда, Базель конвенциясида белгиланган умумий талаблар асосида амалга оширилади.

Давлат экология қўмитаси томонидан Базель [конвенциясининг](#) талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва республика ҳудудидан олиб чиқиладиган ҳамда экологик сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва чиқиндиларга доир ҳисбот тайёрланиб, белгиланган муддатларда ҳар йили Базель конвенциянинг Котибиятига тақдим этиб борилади.

Ушбу ҳисбот:

амалда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ёки республика ҳудудидан олиб чиқиладиган экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилар миқдори хақидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинадиган — маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йиллик ҳосил бўладиган экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилар миқдори хақидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасидан олинадиган — экологик хавфли бўлган маҳсулотлар ва чиқиндиларни республика ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан чиқиши ҳақидаги жамланма маълумотлар асосида тайёрланади.

6. Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқилишига экологик сертификат бериш ушбу Низомга [1-иловада](#) келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Сертификатлаштирилган маҳсулотга божхона юк декларациясини расмийлаштириш вақтида экологик сертификат рўйхат рақами ва берилган санаси кўрсатилади.

8. Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларда уларнинг экологик сертификатлаштирилганлигига оид маълумотлар мавжуд бўлмагандан бундай маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқиши ушбу Низомда кўрсатилган тартибда экологик сертификатлаштирилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9. Экологик сертификатлаш ишлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ҳосил бўладиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва республика ҳудудидан олиб чиқиладиган экологик хавфли маҳсулотлар ҳамда чиқиндиларни рэкологик сертификатлаш учун ариза берувчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

*(9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

**2-боб. Экологик сертификатлашни ўтказиш тартиби**

10. Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқишига экологик сертификат олиш учун ариза берувчи «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали ёки тўғридан-тўғри Давлат экология қўмитаси тизимидағи экологик сертификатлаш органига ариза билан мурожаат қиласди.

Ариза берувчи томонидан экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқишига экологик сертификат олиш учун:

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 январдаги 43-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий экологик сертификатланиши лозим бўлган маҳсулотлар ва чиқиндилар **пўйхатига** асосан ушбу Низомга **2-иловага** мувофиқ экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларнинг номи, микдори, Ташки иқтисодий фаолият Товар номенклатуроси коди (кейинги ўринларда ТИФ ТН код деб аталади) кўрсатилган буюртма;

экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни республика ҳудудига олиб кириш учун — инвойс/ҳисоб-фактура, юхати ёки унинг ҳудудидан олиб чиқиш учун — инвойс/ҳисоб-фактура;

олиб кирилаётган экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларнинг аниқ ҳажми (сони) кўрсатилган ташки савдо шартномаси (контракти) ва маҳсулотларни етказиб берувчи ҳамда қабул қилувчи ўртасида тузилган келишув(лар) нусхаси (экологик сертификатлаштириш бир календарь йилга амалга оширилганда) талаб этилади.

11. Ариза берувчи ушбу Низомнинг **10-бандига** мувофиқ экологик сертификат олиш мақсадида аризани кўриб чиқиш учун экологик сертификатлаш органига тақдим этган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Экологик сертификат олиш учун экологик сертификатлаш органи ушбу Низомнинг **10-бандида** кўрсатилганидан бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас.

12. Экологик сертификатлаш органи бир иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қиласди ва ҳужжатлар тўлиқ бўлганда экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни сертификатлашни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қиласди, агар ҳужжатлар ушбу Низомнинг **10-банди** талабларига жавоб бермаса, бу камчиликлар тўғрисида ариза берувчини хабардор қиласди.

Ариза берувчи ушбу камчиликларни ўн календарь кунда бартараф этиши керак, акс ҳолда экологик сертификатлаш органи ҳужжатларни ариза берувчига «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали ёки унинг почта манзилига қайтаради.

13. Экологик сертификатлаш органи сертификатлаш ишларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган ҳолатда бир иш куни мобайнида экологик сертификатлаш дастурини ишлаб чиқади ва тасдиқлади.

14. Экологик сертификатлаш органи тасдиқланган дастур асосида икки иш кун мобайнида синов лабораториясида намуналарни синовдан ўтказиш ишларини амалга оширади.

15. Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни сертификатлаштириш Сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига мувофиқ идентификация қилинади ҳамда улардан намуналар олиниб, лаборатория синовлари ўтказилади ва синов баённомалари расмийлаштирилади.

Агар идентификациялаш натижалари бўйича ариза берувчи томонидан тақдим этилган намуналар норматив ҳужжатларга мувофиқ бўлмаса, экологик сертификатлаштириш органи томонидан намуналар қабул қилинмайди ва ариза берувчига сабаблари кўрсатилган ҳолда қайтарилади.

16. Намуналар сони, танлаш тартиби, уларни идентификациялаш ва сақлаш қоидалари экологик сертификатланадиган хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларга норматив ҳужжатларда, шу жумладан, синов усусларида белгиланади.

17. Муайян турдаги хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларга синов баённомаларини расмийлаштириш ва бериш муддати техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив

хужжатлар билан белгиланадиган усулларга мувофиқ амалга ошириладиган ушбу турдаги маҳсулотлар ва чиқиндилаарни синовдан ўтказишнинг умумий давомийлигидан келиб чиқиб белгиланади.

Намуна олиш имкони бўлмаган кам миқдорни ташкил этган, норматив ҳужжати, шунингдек, синовларни амалга ошириш учун аккредитациядан ўтган синов лабораторияси мавжуд бўлмаган тақдирда экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилаарни экологик сертификатлаш идентификациялаш йўли билан амалга оширилади.

18. Синовларининг сифати ва натижаларнинг ишончлилиги, шунингдек, синовлар баённомалари сақланиши учун синовларни ўтказган лаборатория жавобгар ҳисобланади. Синов баённомалари лабораториянинг техник эксперти томонидан имзоланади ва аккредитациядан ўтган синов лабораторияси раҳбари томонидан тасдиқланади.

19. Аккредитациядан ўтган синов лабораторияси синов баённомаларини ариза берувчига ва/ёки экологик сертификатлаш органига тақдим этади. Агар хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилаар синовлари бошқа аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида алоҳида параметрлар бўйича ўтказилган бўлса, баённомалар билан тасдиқланган синовларнинг ижобий натижалари мавжудлиги экологик хавфли маҳсулот ва чиқиндилаарнинг мувофиқлиги ижобий баҳоланиши деб ҳисобланади.

20. Аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида ўтказилган лаборатория синовларининг ижобий натижаси олинганда, экологик сертификатлаш органи ҳужжатларни техник экспертга баҳолаш учун юборади.

Техник экспертнинг ижобий қарори қабул қилинганда экологик сертификатлаш органи бир иш куни мобайнида экологик сертификатни расмийлаштиради ва давлат реестридан рўйхатдан ўтказади.

21. Экологик сертификат белгиланган намуналиги бланкада (босма иш қоғози) давлат тилида ёки рус тилида расмийлаштирилади.

22. Ариза берувчи ўз ҳоҳишига кўра экологик сертификатни «Ягона дарча» божхона ахборот тизими ёки ариза берувчининг ишончли вакили орқали олиши мумкин.

23. Экологик сертификат ариза берувчига «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали электрон шаклда экологик сертификатлаш органининг электрон имзоси билан берилиганда ёки қоғоз шаклида экологик сертификатлаш органининг мухри ва имзосининг асли бўлганда ҳамда давлат реестрида қайд этилганлигини тасдиқловчи сана ва рақам кўрсатилганда ҳақиқий ҳисобланади.

24. Экологик сертификат бланки рақамланган, ҳимоя қилиш даражасига эга, қатъий ҳисобда турадиган ва жавобгарлиги белгиланган ҳужжат ҳисобланади.

Экологик сертификат бланкаси ушбу Низомга [3-иловага](#) мувофиқ шаклда «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланади.

25. Экологик сертификат:

олиб кирилётган экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларга (транспорт воситаларидан ташқари) аниқ ҳажми (сони) кўрсатилган битта ташки савдо шартномаси (контракти) ва етказиб берувчи ҳамда қабул қилувчи ўртасида тузилган келишув(лар) нусхасига асосан — бир календарь йилдан ошмаган муддатга;

экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилаарнинг ҳар тўпига — бир йилдан ошмаган муддатга;

маҳсулотларни сериялаб ишлаб чиқариш жараёнларига эса — 3 йил муддатга берилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

26. Экологик сертификатлаш органи фаолиятига тааллуқли сертификат нусхаси ва сертификатлаштириш ишларини олиб боришида зарур бўлган ҳужжатлар тўплами (намуна олиш далолатномалари, идентификация далолатномалари, синов баённомалари) экологик сертификат амал қилиш муддатида, лекин бир йилдан кам бўлмаган муддатда сақланади. Сақлаш муддати тугаган ҳужжатлар архивга топширилади ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

(26-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

### **3-боб. Экологик сертификатнинг амал қилиш муддатини тўхтатиш, бекор қилиш, қайта расмийлаштириш**

27. Экологик сертификатнинг амал қилиши:

ариза берувчи экологик сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида белгиланган тартибда экологик сертификатлаш органига ариза билан мурожаат қилганда — мурожаат қилган кундан бошлаб;

ариза берувчи (юридик шахс)нинг фаолияти тугатилган ёки тўхтатилганда — ушбу кундан бошлаб;

ариза берувчи қайта ташкил этилганда — қайта ташкил этилган кундан бошлаб;

ариза берувчига бир календарь йилга берилган экологик сертификатнинг талаблари бир йил мобайнида мунтазам равишда (икки ёки ундан ортиқ) бузилиши, агар ушбу қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига ва атроф-муҳитга зарар етказилишига олиб келса ўн иш кунига тўхтатилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

28. Экологик сертификатлаш органининг экологик сертификат амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори ариза берувчига қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида экологик сертификат амал қилишини тўхтатишнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда етказилади, бунда экологик сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш сабаблари ва қонунчилик хужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилади.

(28-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

Ариза берувчи томонидан экологик сертификатнинг амал қилишини тўхтатишга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқнома олинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида экологик сертификатнинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

29. Ариза берувчи томонидан экологик сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш сабаблари ўн иш куни мобайнида бартараф этилмаган тақдирда, экологик сертификат бекор қилинади.

30. Экологик сертификат бекор қилинган тақдирда, сертификатнинг асл нусхаси ариза берувчи томонидан экологик сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисидаги қарор олинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида экологик сертификатлаш органига қайтарилиши керак.

Бекор қилинган экологик сертификатлар экологик сертификатлаш органи томонидан йўқ қилинади ва бу ҳақда тегишли далолатнома тузилади. Бекор қилинган экологик сертификатлар тўғрисидаги маълумотлар экологик сертификатлаш органининг веб-сайтида барча оммавий танишиш учун эълон қилиниши керак.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

31. Ариза берувчи экологик сертификатлаш органининг қароридан норози бўлган тақдирда, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. экологик сертификатлаш органининг қарори устидан судга қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

(31-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)

32. Ариза берувчи (юридик ёки жисмоний шахс) қайта ташкил этилганда, унинг номи, юридик манзили ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда ўн иш куни мобайнида мазкур ўзгартишлар ҳақида амалдаги экологик сертификатнинг асл нусхасини илова қилиб, уни қайта расмийлаштириш учун экологик сертификатлаш органига ёзма равишда мурожаат қилиши лозим.

Агар ариза берувчи илгари берилган экологик сертификатнинг ҳукукий вориси бўймаса, ҳужжатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ кейинги тартиб-таомиллар ушбу Низомда назарда тутилган талаблар асосида амалга оширилади.

Ариза берувчининг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда унинг номига экологик сертификатлаш органи томонидан бир иш куни мобайнида амалдаги экологик сертификат муддатига экологик сертификат расмийлаштирилади.

#### **4-боб. Экологик сертификатлар реестрини юритиш тартиби**

33. Экологик сертификатлаш органи берилган экологик сертификатлар реестрини юритади ва уларни ўз веб-сайтида жойлаштиради.

34. Берилган экологик сертификатлар реестрида:

ариза берувчининг номи, унинг манзили, солик тўловчининг идентификация рақами;

экологик сертификат берилган сана, амал қилиш даври ва унинг рўйхатдан ўтган рақами;

бекор қилинган ва тўхтатиб қўйилган экологик сертификатларнинг рақами, ариза берувчининг номи, юридик манзили, асослари ва саналари кўрсатилиши лозим.

35. Экологик сертификатлар реестридаги маълумотлар ҳамма танишиши учун очиқ хисобланади.

#### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

36. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

(36-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон*)

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

37. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

(37-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон*)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқиша экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни мажбурий экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА**  
**1-ИЛОВА**

#### **Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларга экологик сертификат бериш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи (юридик ва жисмоний шахс)	Тегишли ҳужжатларни «Ягона дарча» божхона ахборот хизмати ёки тўғридан-тўғри экологик сертификатлаш органига тақдим этади.	Хоҳишига кўра
2-босқич	Экологик сертификатлаш органи	1. Тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомнинг <b>10-бандига</b> мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ҳамда кўриб чиқиш натижалари бўйича: хужжатлар мос келганда — экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни	1 иш кунида

		<p>сертификатлаш ишларини амалга ошириш түғрисида; хужжатлар мос келмаган тақдирда — қўшимча хужжатларни тақдим этиш түғрисида қарор қабул қиласди ва бу ҳақда ариза берувчини хабардор қиласди.</p> <p>2. Сертификатлаш ишларини амалга ошириш түғрисида қарор қабул қилинган ҳолатда экологик сертификатлаш дастурини ишлаб чиқади ва тасдиқлади.</p>	
3-босқич	Экологик сертификатлаш органи	<p>Тасдиқланган дастур асосида аккредитациядан ўтган синов лабораторияси билан биргаликда:</p> <p>намуналарни идентификация қиласди, намуна олади ва лабораторияга тақдим қиласди;</p> <p>намуналарни синовдан ўтказиш ишларини амалга оширади ва синов баённомаларини расмийлаштиради;</p> <p>якуний барча хужжатларни баҳолаш учунтехник экспертга тақдим қиласди.</p>	2 иш кунида
4-босқич	Техник эксперт Экологик сертификатлаш органи	<p>1. Техник эксперт ҳужжатлар тўпламини ўрганиб чиқиб, экологик сертификат бериш ёки беришни рад этиш түғрисида қарор қабул қиласди.</p> <p>2. Техник экспертнинг ижобий қарори асосида экологик сертификат расмийлаштирилади ва реестрда рўйхатдан ўтказилади.</p> <p>3. Экологик сертификатни «Ягона дарча» божхона ахборот хизмати тизимиға киритиш орқали ёки ариза берувчига (унинг ишончли вакилига) тўғридан-тўғри тақдим этади.</p>	1 иш кунида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқища экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни мажбурий экологик сертификатлаштириш тартиби түғрисидаги низомга

**2-ИЛОВА**

(экологик сертификатлаштириш органи номи)

(почта манзили)

**Экологик сертификатлашни ўтказиш бўйича**  
**БУЮРТМА**

буюртмачининг номланиши (тайёрловчи, етказиб берувчи ташкилот ёки якка тартибдаги тадбиркор Ф.И.О.)

(буюртмачининг почта манзили, алоқа телефонлари)

томонидан

(рахбарнинг Ф.И.О.)

(маҳсулотларнинг номланиши, ТИФ ТН коди, ишлаб чиқариш серияси)

транзит сони (партияси)

норматив хужжат асосида \_\_\_\_\_  
(норматив хужжатнинг номланиши)

талабларига мос келади

(норматив хужжатнинг рақамлари ва номи)

ва чиқиндиларни ёки маҳсулотларни \_\_\_ -сон чизмада кўрсатилган хужжатлар  
(экологик сертификатлаш чизмасининг сони)

кўшимча маълумотлар \_\_\_\_\_  
(хатлов, экологик норматив хужжатлар ва бошқалар тўғрисида маълумотлар

Ариза берувчи

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

20 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқиша экологик  
хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни мажбурий экологик сертификатлаштириш тартиби  
тўғрисидаги **НИЗОМГА**  
**З-ИЛОВА**


**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA ATROF MUHITNI  
MUHOFAZA QILISH DAVLAT QO'MITASI  
EKOLOGIK SERTIFIKATLASHTIRISH TIZIMI**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ПО ЭКОЛОГИИ И ОХРАНЕ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ  
СИСТЕМА ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СЕРТИФИКАЦИИ**

blanka raqami № \_\_\_\_\_

номер бланка № \_\_\_\_\_

(екологик сертификатлаштириш органига номи ва почта манзили — наименование и почтовый адрес органа по экологической сертификации)



Reestirda qayd etilgan № \_\_\_\_\_  
Зарегистрировано в реестре  
\_\_\_\_\_ -сон bilan 20 \_\_\_ yil “\_\_\_” \_\_\_ da qayd qilindi  
Регистрационный № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_ 20 \_\_\_ г.  
Amal qilish muddati “\_\_\_” \_\_\_\_ 20 \_\_\_ gacha  
Действителен до «\_\_\_» \_\_\_\_ 20 \_\_\_ г.

Ushbu sertifikat ekologik sertifikatlashtirilgan ob'yekti:

Настоящий сертификат удостоверяет, что должным образом идентифицированный объект экологической сертификации:

ning lozim ravishdagi identifikatsiyasiga javob berishi va normativ-uslubiy jihatlari: \_\_\_\_\_

(normativ hujjatlar nomi — наименование нормативного документа)

и его нормативно-методическая база соответствует требованиям следующих нормативных и правовых актов  
Sertifikat egasi haqida ma'lumot: \_\_\_\_\_

(номи ва почта манзили — наименование и почтовый адрес)

Сведения о держателе сертификата: \_\_\_\_\_

Telefon: \_\_\_\_\_ Faks: \_\_\_\_\_

Телефон: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

Mahsulot yoki xizmatning ekologik sertifikatlashtirishda qo'llanilgan talablar: \_\_\_\_\_

(mahsulot va xizmatga doir tekshiruv, kuzatuv yoki normativ hujjatlar tahlili — экспертиза нормативных документов или испытания продукции)

Данные о проведении экологической сертификации по требуемым критериям:

*Izoh: Ekologik sertifikat berilganlik shartlariga amal qilinmagan taqdirda ekologik sertifikatlashtirish organi tomonidan bekor qilinishi mumkin.*

*Примечание: Орган по экологической сертификации, выдавший сертификат, вправе аннулировать сертификат, если получатель данного сертификата не выполняет требования на соответствие которым он выдан.*

Sertifikatlashtirish organ rahbari

Руководитель орган сертификации

\_\_\_\_\_ Imzo/подпись

\_\_\_\_\_ (F.I.O)/ (Ф.И.О)

Ekspert/ Эксперт

\_\_\_\_\_ Imzo/подпись

\_\_\_\_\_ (F.I.O)/ (Ф.И.О)

М.О'/М.П

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 февралдаги 75-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари**

### **РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси олиб киришни ва уларни унинг худудидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида» 2000 йил 19 апрелдаги 151-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 4-сон, 21-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали маҳсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида» 2002 йил 21 февралдаги 62-сон қарорига 4-илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 2-сон, 10-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айrim қарорлариша ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 13 январдаги 14-сон қарорига илованинг 17-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 5-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айrim қарорлариша ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2017 йил 14 ноябрдаги 915-сон қарорига 1-илованинг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 11-сон, 261-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айrim қарорлариша ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 18 сентябрдаги 787-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХ, 2019 й., 19 сентябрь, 3770-модда).

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.02.2021 й., 09/21/75/0121-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*